

## ХУҚУҚ НОРМАЛАРИДАГИ АЛОҲИДА ТОИФАДАГИ ИНСОН ХУҚУҚЛАРИГА ОИД МАҚСАДЛАР ВА УЛАРГА ЭРИШИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИНГ ЎЗARO БОҒЛИҚЛИГИ ҲАМДА ХУСУСИЯТЛАРИ

Эшбоев Рустам Мавлонкулович

Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20390415>

Конституциямизнинг 54-моддасида биринчи мартаба инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатнинг олий мақсади эканлиги қайд қилинди.

Бу йўналишда мамлакатимиз ўз ҳуқуқий базасини фаол равишда умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларига ҳамоҳанг тарзда уйғунлаштириб бормоқда.

Инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва умуман инсониятга хизмат қилиш Бирлашган миллатлар ташкилоти ва унинг органларининг асосий вазифаси ҳисобланади.

Шу билан бирга, Конституциянинг 21-моддасида инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги шартлиги белгиланган.

Бошқача айтганда, бир тоифадаги инсон ҳуқуқлари бошқа тоифадаги инсон ҳуқуқларининг чекламаслиги ёки бошқа тоифадаги инсонларнинг қонуний манфаатларига путур етказмаслиги керак.

Зеро, асосий Қомусимизга кўра, Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Шу маънода, аввало давлатнинг ҳуқуқий нормалар ижодкорлиги фаолиятида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш учун бир тоифадаги инсонларнинг манфаатларини ифодалаш мақсадида бошқа тоифадаги инсонларнинг қонуний манфаатларига путур етказмаслиги шарт.

Масалан, инсониятнинг нисбатан заифроқ тоифаси ҳисобланган аёллар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун ўрнатилган кўпгина имтиёз берувчи нормаларда тенглик принциплари (эркак ва аёллар тенглиги) бир қарашдан кузатилмагандек кўринсада, бироқ улар адолат нуқтаи назарида зарурдир.

Зеро, табиат қонунлари (ёки яратувчининг қонунлари) бўйича аёлларга ҳомилани кўтириб юриш, фарзандни туғиш, уни гўдаклиги эмизиш ва парвариш қилиш каби эркакларга хос бўлмаган машаққатлар юкланган экан, уларга бу вазифаларни бажариш билан боғлиқ имтиёзлар берилиши ҳам адолатдан бўлади.

Ёки ёш болаларнинг имконияти билан катта ёшдаги инсонларнинг жисмоний имконияти тенг эмаслиги ҳам болаларга турли ижтимоий имтиёзлар берилишини адолатдан ҳисобланади.

Шундай бўлсада, инсониятнинг нисбатан заифроқ тоифаси ҳисобланган аёллар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича имтиёзлар юкини адолатли тақсимлаш зарур.

Хусусан, бу каби ҳолатлар давлат томонидан фуқаролар ва умуман барча субъектлар учун мажбуриятлар юклашда турли субъектларнинг манфаатларини акс эттириш муҳим аҳамиятга эга.

Мажбуриятларнинг энг асосийларидан бири давлатнинг юрисдикциясида бўлган субъектлар томонидан солиқлар ва мажбурий йиғимларни тўлаш ҳисобланади.

Албатта давлат томонидан солиқлар ва мажбурий йиғимларнинг барча субъектларига учун адолатли белгиланиши уларнинг самарадорлигини оширади.

Конституциямизнинг 63-моддасида солиқ ва йиғимлар адолатли бўлиши ҳамда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишига тўсқинлик қилмаслиги кераклиги қайд қилинган.

Шунингдек, Конституциямизнинг 65-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасида барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши таъминланади.

Конституциямизнинг юқоридаги моддаларидаги “солиқ ва йиғимлар адолатли бўлиши”, “барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилиги” ва “фуқароларга тўсқинлик қилинмаслиги” тушунчалари мантиқийлик ҳамда ҳалқаро шартномаларда белгиланган тенгли ва адолат тушунчаларидан келиб чиқиб, кенгроқ маънода тушунишга ҳаракат қилиб кўрайлик.

“Солиқ ва йиғимлар” сўзининг ўрнига уларнинг умумий бирлаштирувчи «иқтисодий мажбуриятлар» сўзини танлаймиз, “барча мулк шакллари” ва «фуқаролар» сўзлари ўрнига уларни умумлаштирувчи “субъектлар” сўзини танлаймиз.

Шунда мантиқийлик жиҳатдан юқоридаги моддаларни қуйидаги шаклда кенгайтирган ҳолда олишимиз мукин.

Иқтисодий мажбуриятлар адолатли бўлиши ҳамда барча субъектлар учун адолатли тақсимланиши лозим деган хулосага келишимиз мумкин.

Бироқ, бизнинг кузатувларимиз бўйича маълум ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларнинг ҳуқуқларини таъминлашда бошқа тоифадаги субъектларга бошқалардан бўлак қўшимча иқтисодий мажбуриятлар юкланиши мавжуд.

Гарчи бу нормалар ижобий мақсадларда қабул қилинган бўлсада, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларнинг ҳуқуқларини таъминлаш бўйича иқтисодий мажбуриятлар барча учун бир хил тақсимланмай, балки ушбу ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам билан муносабатларга киришган субъектларга бевосита юклаб қўйиш ҳолатлари мавжуд.

Масалан, аёллар ва болаларнинг меҳнат муносабатлари соҳасида айрим имтиёзларининг бажарилишининг юки бевосита улар билан меҳнат муносабатларига киришган иш берувчиларга юкланган.

Бу эса, мажбурият юкланган субъектлар — иш берувчилар томонидан иложи борида турли баҳоналар билан ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам — аёллар ва болалар билан меҳнат муносабатларига киришмаслик ҳаракатини қилишига сабаб бўлмоқда.

Натижада, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам — аёллар ва болаларни меҳнат ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган нормалар акс таъсир бериб, уларни меҳнат ҳуқуқларини бузилишига сабаб бўлмоқда.

Хусусан, Меҳнат кодексининг 394-моддасига кўра, тиббий хулосага мувофиқ ҳомиладор аёлларнинг ишлаб чиқариш нормалари, хизмат кўрсатиш нормалари аввалги ишларидаги ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда камайтиради ёки улар энгилроқ ишга ёхуд ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан холи бўлган ишга ўтказилади.

Мазкур Кодекснинг 407-моддасига кўра эса, икки ёшга тўлмаган боланинг ота-онасидан бирига (васийсига) дам олиш ва овқатланиш учун танаффуслардан ташқари болани овқатлантириш учун қўшимча танаффуслар берилади. Бу танаффуслар камида ҳар уч соатда, ҳар бири ўттиз минутдан кам бўлмаган давомийликда берилади. Икки ёшга тўлмаган икки ёки ундан ортиқ нафар фарзанди бўлган тақдирда, танаффусларнинг давомийлиги камида бир соат қилиб белгиланади. Болани овқатлантириш учун танаффуслар иш вақтига киритилади ва ўртача иш ҳақи бўйича ҳақ тўланади.

Бу моддалардаги имтиёزلарнинг мақсадлари ижобий бўлсада, айрим элементлари ва механизмлари бошқа тоифаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахл қилади.

Хусусан, юқоридаги 394 ва 407-моддадаги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш нормаларини камайтиришга ҳамда болани овқатлантириш учун танаффуслар берилиши эмас, балки мазкур моддалардаги иш хажми камайганда ҳам ўртача ойлик иш ҳақи сақланиши ҳамда танаффуслар учун ҳам ҳақ тўланиши тадбиркор бўлган иш берувчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига бевосита дахл қилади.

Юқоридаги моддалар иш берувчиларга маълум иқтисодий мажбуриятлар, бошқача айтганда “иқтисодий солиқлар” яъни харажатлар юклайди.

Бу каби ортиқча харажат талаб қилувчи мажбуриятлар Меҳнат кодексининг 420-моддасида болалар меҳнати муносабатларида ҳам мавжуд. Яъни, Ўн саккиз ёшгача бўлган ходимларнинг меҳнатига иш вақтининг қисқартирилган давомийлигида ҳақ тўлаш, худди иш вақти давомийлиги тўлиқ бўлганда ходимларнинг тегишли тоифалари учун тўланадиган миқдорда амалга оширилади.

Бу мажбуриятлар, давлат ташкилотлар ва корхоналари ва йирик тадбиркорлик субъектлари учун аҳамиятсиз бўлиши мумкин. Бироқ, кичик тадбиркорлик субъектлари учун сезиларли мажбурият юклайди ва уларнинг рақабатдошлигига таъсир кўрсатади. Бошқача айтганда улар учун ижтимоий заиф қатлам — аёллар ва болаларни меҳнатдан фойдаланганлиги учун қўшимча ўзига хос солиқ ҳисобланади.

Меҳнат кодексининг юқоридаги нормалар Ўзбекистон аъзо бўлган халқаро шартномаларда ҳам бевосита акс этмаган.

Халқаро меҳнат ташкилотининг “Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги 183-сонли Конвенциясининг 10-моддаси 2-бандида қуйидагича қайд қилинган: “Эмизиш учун танаффуслар ёки кунлик иш вақтини қисқартиришга рухсат этиладиган давр, уларнинг сони, эмизиш танаффусларининг давомийлиги ҳамда кунлик иш вақтини қисқартириш тартиби миллий қонунчилик ва амалиёт билан белгиланади. Ушбу танаффуслар ёки кунлик иш вақтининг қисқартирилиши иш вақти сифатида ҳисобланади ва тегишлича ҳақ тўланади”<sup>1</sup>.

Мазкур Конвенцияни Ўзбекистон Республикаси ратификация қилмаган, бироқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 июлдаги ПФ-175-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегиясининг 7-мақсадида “миллий қонунчиликни Халқаро меҳнат ташкилотининг “Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги 183-сонли Конвенциясига мувофиқлаштириш”<sup>2</sup> назарда тутилган.

<sup>1</sup> <https://treaties.un.org/doc/Publication/UNTS/Volume%202181/v2181.pdf>

<sup>2</sup> <https://lex.uz/docs/6130265>

Халқаро меҳнат ташкилотининг 191-сон Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисидаги тавсияномасининг 6-бандида қуйидагилар қайд қилинган:

**“6. (1) Аъзо давлатлар ҳомиладор ёки эмизикли аёл ҳамда унинг боласининг хавфсизлиги ва соғлиғи билан боғлиқ иш жойидаги ҳар қандай хавфларни баҳолашни таъминлаш чораларини кўришлари лозим. Бундай баҳолаш натижалари тегишли аёлга маълум қилиниши керак.**

**(2) Конвенциянинг 3-моддасида назарда тутилган ҳолатларда ёки юқоридаги 1-кичик бандга мувофиқ жиддий хавф аниқланган тақдирда, тегишли ҳолларда тиббий маълумотнома асосида, бундай ишга муқобил чоралар қуйидаги шаклларда таъминланиши лозим:**

**(a) хавфни бартараф этиш;**

**(b) унинг иш шароитларини мослаштириш;**

**(c) агар иш шароитларини мослаштириш имкони бўлмаса, иш ҳақини йўқотмаган ҳолда бошқа лавозимга ўтказиш;**

**(d) агар бошқа лавозимга ўтказиш имкони бўлмаса, миллий қонунлар, норматив ҳужжатлар ёки амалиётга мувофиқ ҳақ тўланадиган таътил бериш.**

**(3) 2-кичик бандда назарда тутилган чоралар, хусусан, қуйидаги ишларга нисбатан кўрилиши лозим:**

**(a) юкларни қўлда кўтариш, ташиш, итариш ёки тортиш билан боғлиқ оғир ишлар;**

**(b) репродуктив саломатлик учун хавф туғдирадиган биологик, кимёвий ёки физик омиллар таъсирида бажариладиган ишлар;**

**(c) махсус мувозанатни талаб қиладиган ишлар;**

**(d) узоқ вақт ўтириб ёки тик туриб ишлаш, ҳаддан ташқари иссиқ ёки совуқ ҳарорат, ёхуд вибрация сабабли жисмоний зўриқиш билан боғлиқ ишлар.**

**(4) Агар тиббий маълумотномада тунги иш ҳомиладорлик ёки эмизиш ҳолатига мос эмаслиги кўрсатилган бўлса, ҳомиладор ёки эмизикли аёл тунги ишни бажаришга мажбур қилинмаслиги керак.**

**(5) Аёл учун хавфсиз бўлиши биланоқ, у ўз ишига ёки унга тенг лавозимга қайтиш ҳуқуқини сақлаб қолиши лозим.**

**(6) Аёл ҳомиладорлиги билан боғлиқ тиббий кўриклардан ўтиш мақсадида, зарур ҳолларда иш берувчисини хабардор қилганидан сўнг, иш жойини тарк этишига рухсат этилиши керак”<sup>3</sup>.**

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг мазкур тавсияномасидан кўриш мумкин, унинг мазмуни Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 394-моддасида назарда тутилган иш берувчига юклатилган қўшимча молиявий юк билан боғлиқ бевосита нормалар мавжуд эмас.

Қиёсий ҳуқуқшунослик нуқтаи назаридан ислом ҳуқуқи манбалари мазкур масалага қандай ёндашилганлигига тўхталиб ўтсак.

Усмонли давлатининг XIX асрдаги фуқаролик-ҳуқуқий кодекси бўлиб, асосан **ҳанафий фикҳи** қоидалари асосида тузилган, **“Мажалла ал-аҳком ал-адлия”нинг 425-моддасида** “Ходим ижара/ёллаш муддати давомида ишлаш учун ҳозир бўлса, иш ҳақиға ҳақли бўлади. Унинг амалда иш бажарган бўлиши шарт эмас. Лекин у ишлашдан бош

<sup>3</sup> <https://www.healthydoc.waba.org.my/women/healthydocuments-doc46.pdf>

тортиши мумкин эмас; агар ишлашдан бош тортса, иш ҳақиға ҳақли бўлмайди.<sup>4</sup> **дейилган.**

Яъни ходим иш жойида ёки иш берувчи хизматида тайёр турган бўлса, иш берувчи ундан фойдаланмаган тақдирда ҳам ҳақ тўланади.

Шунинг учун ҳақ фақат натижага эмас, балки ходимнинг ўз меҳнат имкониятини иш берувчи ихтиёрига берганига тўланади. Лекин ходим ўзи ишлашдан бош тортса, келмаса ёки хизмат қилишдан рад этса, у ҳолда ҳақ талаб қила олмайди.

Бизнинг фикримизча, бу ерда ходим ишлашдан бош тортмаса ҳам, лекин иш вақтининг маълум қисмида ишга тайёр бўлмаса, яъни боласини эмизса бу ҳолда ходимнинг иш ҳақиси боласини эмизган вақт учун иш ҳақидан чегириб ташлаш иш берувчининг ҳақи бўлади.

Шу билан бирга, Меҳнат кодексининг 394, 407 ва 420-моддаларидаги аёллар ва болалар учун берилган имтиёзлар уларнинг манфаатларини ифода қилиш ва қулай меҳнат шароитларини яратишга эмас, аксинча уларнинг зидига хизмат қилиши мумкин.

Америкалик таниқли иқтисодчи, АҚШнинг собиқ молия вазири, Жаҳон банкининг собиқ бош иқтисодчиси ҳамда Harvard университетининг собиқ президенти Lawrence H. Summers мажбурий меҳнат имтиёзлари иқтисодий оқибатлари ҳақида танқидий фикр билдирган. Хусусан, унинг фикрича: Агар турли ходимлар учун имтиёзлар харажати фарқ қилса, лекин иш ҳақида бу фарқни акс эттиришга йўл қўйилмаса, “иш берувчилар имтиёз харажати пастроқ бўлган ходимларни ёллашга интилади”; натижада “мажбурий имтиёзлар айнан ушбу имтиёзга энг муҳтож шахслар манфаатига қарши ишлаши мумкин”<sup>5</sup>.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси ЖСТга аъзо бўлишга бир неча қадамлар қолди. ЖСТга аъзо бўлгандан сўнг тадбиркорлик субъектлари нафақат ички, балки имконияти ва қудрати юқори бўлган йирик давлатларнинг тадбиркорлик субъектлари билан ҳам янада кескин рақобатга киришади.

Шу сабабли, ривожланиш ва ўтиш даврида тадбиркорлик субъектлари қўшимча ижтимоий мажбуриятлардан озод қилиб, уларни давлат ўз зиммасига олиши рақобат юкини пасайтиради. Акс ҳолда миллий ишлаб чиқариш даражаси пасайиши ва кейинчалик ишлаб чиқариш маҳсулотлари бўйича хорижий давлатларга қармлик кучайиши мумкин.

Шу ўринда қайд этишимиз лозимки, Ўзбекистон аъзо бўлган халқаро шартномаларга мувофиқ оналик ва болаликни ҳимоя қилиш аввало кичик тадбиркорлик субъектларининг эмас, балки биринчи навбатда давлатнинг мажбурияти.

Шу сабабли, Меҳнат кодексининг аёллар ва болалар меҳнат муносабатлари боғлиқ айрим имтиёзли нормаларини **қайта кўриб чиқиб**, иш берувчилар ҳамда болалар ва аёллар учун қулайроқ **“олтин ўрталиқ”га келтирган ҳолда таҳририй ўзгартиришлар киритиш таклиф қилинади.**

<sup>4</sup> Grigsby, W. E., trans. *The Medjelle; or, Ottoman Civil Law*. Nicosia: Herbert E. Clarke, 1895.

<sup>5</sup> Lawrence H. Summers, “Some Simple Economics of Mandated Benefits”, *American Economic Review*, Vol. 79, No. 2, 1989, pp. 177–183.

Бунда, Меҳнат кодексининг 394, 407 ва 420-моддаларидаги айрим мажбуриятларни бажариш билан боғлиқ харажатларни кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан бажарилишини давлат томонидан қоплаб берилиши ёки мазкур талабларни кичик тадбиркорлик субъектлари учун истисно қилиниши мақсадга мувофиқ.

